



Реал самарали алмашув курси шарҳи


2022 йил октябрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2022 йил

Реал самарали алмашув курси шарҳи

Реал самарали алмашув курси 2022 йилнинг октябрь ойида ўтган ойга нисбатан **ўсувчи динамика** қайд этиб, **0,7 фоизга мустаҳкамланди** (2021 йил мос даврига нисбатан 3,5 фоизга, базавий давр – 2019 йилнинг сентябрига¹ нисбатан 7,8 фоизга мустаҳкамланди).

Реал ва номинал эффектив алмашув курслари индекслари динамикаси




Мазкур ойда реал самарали алмашув курсининг қадри ошиши асосан савдо-ҳамкор давлатлар валюта курсларининг **юқори суръатларда қадрсизланиши** ҳамда **ички инфляция** таъсири билан изоҳланади. Хусусан, мазкур индексни:

оширувчи омиллар бўлиб савдо-ҳамкор давлатларнинг валюта курслари ўзгариши – **1,5 фоиз банд** ва ички инфляция – **1,2 фоиз банд** хизмат қилган бўлса,

пасайтирувчи омил бўлиб савдо-ҳамкор давлатлар инфляцияси – **0,9 фоиз банд** ва миллий валюта курсининг ўзгариши – **1,1 фоиз банд** ҳисса қўшди.

¹ Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида 2019 йил 20 августдан бошлаб тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга кўйилди. Шу сабабли, **2019 йил сентябрь ойи** сўмнинг реал самарали алмашув курси индексини ҳисоблашда базавий давр сифатида белгиланди

Реал самарали алмашув курси индексининг ўзгариши декомпозицияси



Асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг **валюта курслари** октябрь ойида АҚШ долларига нисбатан қуидагича динамика күрсатди:

- Россия рубли ушбу ойида **3 фоизга қадрсизланди** (1 АҚШ доллари 60 рублдан 61,8 рублга). Бунда Россия иқтисодиётига нисбатан құлланилиши кутилаётган навбатдаги санкциялар таъсир күрсатди.
- Қозғистон **тенгеси** октябрь ойида **0,7 фоизга мустаҳкамланды** (1 АҚШ доллари 475,7 тенгедан 472,4 тенгеға). Қисқа муддатли даврда тенге курсининг тебранувчанлиги жахон хомашё бозорларидаги ҳолатга ҳамда геосиёсий вазиятга боғлиқ бўлади.
- Октябрь ойида **турк лираси 1,5 фоизга қадрсизланди** (1 АҚШ доллари 18,3 лирадан 18,6 лирага). Инфляциянинг юқори суръатларда тезлашишига қарамасдан Туркия марказий банкининг юмшоқ пул-кредит сиёсати олиб бораётганлиги лира курсининг қадрсизланишига сабаб бўлди.
- Хитой юани курси мазкур ойда **2,5 фоизга қадрсизланди** (1 АҚШ доллари 7 юандан 7,2 юанга). АҚШ Федерал резерв тизими томонидан асосий ставканинг кетма-кет күтарилиши, доллар индексининг юқорилаши юань курсига салбий босим күрсатди.

2022 йил октябрь ойида асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг деярли барчасида инфляция кўрсаткичи **ўсишда** давом этди.

Жумладан:

➤ **Қозоғистонда** ойлик инфляция **1,6 фоизни** ташкил этиб, йиллик ҳисобда **18,8 фоизга** етди (*2016 йилдан бери максимум кўрсаткич*). Октябрь ойида инфляциянинг компонентларидан озиқ-овқат маҳсулотлари йиллик 23,1 фоизга (сентябрда 22,2 фоиз), ноозиқ-овқат маҳсулотлари йиллик 17,9 фоизга (сентябрда 17 фоиз) ҳамда хизматлар 13,5 фоизга (сентябрда 12,3 фоиз) ошди. Инфляциянинг юқори шаклланиши фонида Қозоғистон марказий банки асосий фоиз ставкасини 16 фоизгача оширди.

➤ **Туркияда** ойлик инфляция **3,5 фоизгача** тезлашиб, йиллик ҳисобда **85,5 фоизни** ташкил этди. Бундай ўсишга импорт маҳсулотлари ҳамда энергия ресурслари нархларининг ошиши асосий омиллар сифатида келтирилган. Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ойлик ҳисобда **7,8 фоизга** ўсиб, йиллик **157,7 фоизга** етди.

➤ **Россияда** ушбу ойда ойлик нархлар ўсуви динамикага қайтиб, **0,2 фоизни** (*йиллик инфляция 12,7 фоизни*) ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, аҳоли томонидан **сезилган инфляция** ўтган ойга нисбатан 3,3 фоиз бандга пастлаб, **18,2 фоизни** ташкил этган бўлса, **инфляцион кутилмалар** октябрь ойида **12,8 фоизгача** (*сентябрда 12,5 фоиз*) юқорипади.